



**ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК, СЕПАРАТИСТИК,
ФУНДАМЕНТАЛИСТИК ЁКИ БОШҚА ТАҚИҚЛАНГАН
ТАШКИЛОТЛАР ТУЗИШ, УЛАРГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ,
УЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ
ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ, БУГУНГИ КУНДА УШБУ
ЖИНОЯТНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ВА СУД ЖАРАЁНИДА
ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР,
УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

Сайдазимов Миржалол Норжигитович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
Тергов фаолияти кафедраси ўқитувчиси

Янгиев Оғабек Юнус ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8166530>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2023

Accepted: 15th July 2023

Online: 19th July 2023

KEY WORDS

Жамоат бирлашмаси,
уюшма, ташкилот
тақиқланган ташкилот,
экстремистик ташкилот,
сепаратистик ташкилот,
фундаменталистик
ташкилот, виртуал
оламдаги ташкилот.

ABSTRACT

Ушбу мақола “Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш жинояти”ни тергов қилиш хусусиятлари, бугунги кунда ушбу жиноятни тергов қилишда ва суд жараёнида юзага келаётган муаммо ва камчиликлар, уларнинг ечимлари ҳақида.

Ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида янги кескинлик ўчоқлари пайдо бўлмоқда, миллатлар ва конфессиялар ўртасида қарама қаршилиқлар кучаймоқда, радикализм ва экстримизм хавфи тобора ортиб бормоқда[1].

Ш.Мирзиёев

Бугунги кунда давлатларга, миллатларга доимгиданда хавф ортиб бормоқда жаҳоннинг турли бурчакларида оммавий намойишлар, халқ норозиликлари ва урушлар бўлиб ўтмоқда. Бундай урушлар турли манфаатдор бузғунчи кучлар томонидан уюштирилмоқда. Ушбу кучлар турли кўринишларда халқ, миллат орасига иғво ва фитналарни тарқатиш орқали низоларни келтириб чиқармоқда. Шу орқали улар мамлакат хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Шундай қийин ва таҳликали замонда биз юртимизда тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш мақсадида, халқимиз орасида турли хил ёт фикрларни пайдо бўлиши ва тарқалишини олдини олишимиз ва турли низоларни келтириб чиқарадиган муаммоларни вужудга келишига йўл қўймаслигимиз зарур. Шундагина мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланиши бардавом бўлади.



Бугунги таҳликали даврда қуроллар орқали урушдан мафкуравий урушлар кўрқинчли ва хавфли тус олмоқда. Чунки турли йўқотишларсиз ўзга давлат ҳудудида келишмовчилик ва низоларни келтириб чиқариш мумкин. Шу сабабли, ҳозирда жанг майдонларидан кўра мафкуравий полигонларда ғоялар уруши авжига чиққан. Чунки айна ҳозирги ахборот технологиялари асрида ахборот алмашинуви тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада тезлашган, бунинг самараси ўлароқ дунёнинг нариги чеккаси ҳисобланган Бразилиядаги хабар бир зумда Ўзбекистондаги ижтимоий тармоқларда айланиши табиий ҳолга айланиб қолди. Ҳар нарсанинг бир ёмони, бир яхшиси бўлади, деганларидек, ушбу тезлашувдан ҳам эзгу мақсадларда, ҳам ғаразли мақсадларда фойдаланаётган кучлар учраб турибди. Бугунги кунда бузғунчи кучлар оммавий ахборот машиналари тинимсиз равишда офкор оммага ислом динини бузғунчилик, қотиллик, ваҳшийлик, зўравонлик дини дея кўрсатишга ҳаракат қилипти. Шу ўринда, президент Ш.Мирзиёевнинг фикрини келтириб ўтишни ўринли бўлади: "Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга кўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроа қила олмаймиз"[2]. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг ислохотлар туб замирида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаёт кечиршини таъминлаш ётади. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни *"Халқ манфаатларига хизмат қилиш"* тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизми ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига раҳна солаётган таҳдидлар, масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятларини *"Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун"* деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда[3]. Ўзбекистон Республикаси барча қонунларининг асосини ташкил этувчи *конституциясининг 57-моддасига* биноан қуйидаги ташкилотларни ва жамоат бирлашмаларини тузишга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Яъни: *"Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади"*[4]. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 июнь кундаги **"Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"** 763-И-сонли қонуннинг 25-моддаси биринчи қисмининг биринчи ва иккинчи хатбошларида *"нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришни, суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига путур етказишни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишни, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишни, фуқароларнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса; Нодавлат нотижорат ташкилотини*



давлат рўйхатидан ўтказиш таъсис ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонун ҳужжатларига зид қоидалар мавжуд бўлган бошқа ҳолларда ҳам рад этилиши мумкин"[5] эканлиги белгиланган. Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 1991йил 15 январдаги **"Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"**ги 223-XII-сон қонунининг иккинчи, учунчи ва бечинчи қисмларида кўйдагилар белгиланган: *"Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек конституцион тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий, шунингдек ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдирши, қонунчилик билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўймайди. Ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуроли тузилмалар, шунингдек диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа структура бўлаклари ташкил этиш тақиқланади. Аҳолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қиладиган жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолияти қонунга мувофиқ таъқиб қилинади"*[6]. Шунга қарамасдан бугунги кунда четдаги ва мамлакатимиз ҳудудидаги ғаразғўй кучлар ва шахслар томонида турли тақиқланган ташкилотлар, жамоат бирлашмалар ва уюшмалар тузилмоқда ва ушбу ташкилотларнинг фаолияти юртимизда тақиқланганлиги боис махфий фойлият юритмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан ушбу турдаги ташкилотларнинг ноқонуний фаолияти фош этилмоқда ва ушбу ташкилотларда фаолият юритаётган шахслар қилган ҳаракатларидан келиб чиқиб тегишли тартибда жавобгарликка тортилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига кўра, жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар учун жиноят қонунчилигимизда жавобгарлик белгиланган. Шу жиноятлардан бири **"Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш"** ҳисобланади. Мазкур жиноятни содир этганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244² – моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу норманинг биринчи қисмида *"Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш"* учун, иккинчи қисмида эса *"Ўша ҳаракатлар: а) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса; б) вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда содир этилган бўлса"* [7] учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ҳеч бир нарса мукамал бўлмаганлиги каби қонунни қўллаш амалиётида ҳам айриб бўшлиқлар ва камчиликлар, бир-бирига зид ҳолатлар (коллизиялар) мавжуд. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш жинояти бўйича айрим тушунчалар ва атамаларга қонунларимизда ва қонун ости ҳужжатларимизда таърифлар берилмаган. Хусусан мазкур жиноят бўйича қонунларимизда ва қонун ости ҳужжатларимизда *"экстремизм", "сепаратизм",*



"фундаментализм", "террорчилик ташкилоти" ва "экстремистик ташкилот" тушунчаларига таърифлар берилган. "экстремистик ташкилот" тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 1 декабр куни қабул қилинган "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида қуйидагича таъриф берилган: **"экстремистик ташкилот** — экстремистик фаолиятни амалга оширганлиги туфайли ўзига нисбатан фаолиятини тугатиш ёки тақиқлаш тўғрисида суднинг қонунда назарда тутилган асослар бўйича қонуний кучга кирган қарори қабул қилинган ташкилот"[8]. Лекин ҳеч бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда *"сепаратистик ташкилот"*, *"фундаменталистик ташкилот"*, *"тақиқланган ташкилот"* тушунчасига аниқ бир таъриф берилмаган. Шу сабабли, суд-тергов амалиётида ушбу жиноятлар билан боғлиқ вазиятларда турлича ёндошувлар юзага келмоқда, бу эса турли хато ва камчиликларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Мазкур тушунчаларга илмий адабиётларда олимлар томонидан аниқ бир таъриф берилмаганлигини кўрдик.

Шунингдек, "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддасида ташкилотни "Экстремистик ташкилот" деб топиш тартиби ва уларни расман эълон қилиш тартиби белгиланган. Яъни: "Ўзбекистон Республикасида ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш суд тартибида амалга оширилади. Ташкилот, агар унинг таркибий тузилмаларидан ҳеч бўлмаса биттаси (бўлинмаси, филиали ва ваколатхонаси) экстремистик фаолиятни амалга ошираётган бўлса, экстремистик ташкилот деб топилади. Ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади. Қайси ташкилотларга нисбатан суднинг уларни экстремистик ташкилот деб топиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларнинг фаолиятини тақиқлаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлса, ўша ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий судининг расмий вэб-сайтларида эълон қилиниши лозим"лиги[9] кўрсатилган. Лекин ҳеч бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ханузгача ташкилотларни *сепаратистик, фундаменталистик, тақиқланган ташкилот деб топиш тартиби ва шартлари белгиланмаган*. Шу сабабли ташкилотларни *сепаратистик, фундаменталистик, тақиқланган* ташкилот деб топиш тартиби, шартлари ва уларни эълон қилиш тартибини белгилаш лозим.

Р.Валижонов, О.Қобилов, А.Эргашева сингари олимлар томонидан *"ташкилот"* тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: **Ташкилот** – бу умумий мақсад ёки мақсадга эришиш учун онгли равишдаги фаолиятнинг мувофиқлаштирилган кишилар гуруҳидир[10].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра ташкилот тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: **Ташкилот**- аниқ таркиб ва вазифасига, иш дастурига эга бўлган ижтимоий, хўжалик бирлашмаси ёки давлат муассаси[12].

Россия Федерацияси қонунчилигига кўра тақиқланган ташкилот тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

Тақиқланган ташкилот- хорижий ёки халқаро нодавлат ноижорат ташкилотининг Россия Федерациясининг конституциявий тузуми асосларига, мамлакат муҳофаа қобилятига ёки давлат хавфсизлигига таҳдид соладиган фаолияти, шу жумладан



номзодлар, номзодлар рўйхатини кўрсатишга ёрдам берадиган ёки тўсқинлик қиладиган, рўйхатга олинган номзодларни сайлаш, референдум ўтказиш ва референдум ўтказиш ташаббусини илгари суриш, сайловда маълум натижага эришиш, референдум (шу жумладан сайлов кампанияларида, референдум кампанияларида бошқа шаклларда иштирок этиш, бундан мустасно) сайлов кампанияларида, референдум кампанияларида хорижий (халқаро) кузатувчилар сифатида иштирок этиш) Россия Федерацияси ҳудудида номақбул деб тан олинishi мумкин.[13]

Мазкур тушунчаларга аниқ таъриф берилмаганлиги сабабли, тергов ва суд амалётида ҳуқуқий атамалар мазмунига нисбаттан қонунни қўллашда турлича қарашлар мавжуд. Турли ёндашувлар жиддий камчиликларга сабаб бўлмоқда. Мазкур камчиликлар ва баҳс – мунозараларни олдини олдини олиш учун, юқоридаги тушунчаларнинг аниқ бир таърифини ишлаб чиқиш лозим. Мазкур тушунчаларга биз ўз муаллифлик таърифимизни таклиф қиламиз:

сепаратистик ташкилот – муайян давлатда ҳудудларнинг ривожланиши ва ижтимоий тузилиши (этник, конфессионал, миллий, демографик,) шунингдек шахсни, миллатни ёки ирқни бошқасидан маданий ва тарихий анъаналарнинг ўзига хос хусусиятларига, ҳудудий жойлашувига, иқтисодий ривожланишига ва бошқа белгиларига кўра ажратиш мақсадида фаолият юритувчи ташкилот;

фундаменталистик ташкилот – ўз олдига муайян диндаги таълимотни ўзгартирмасликни, тегишли дин илоҳий китобларидаги ўзгармас қоидалар қандай баён этилган бўлса, шу маънода қабул қилинишини тарғиб қилишни, диндаги нормалар дин пайдо бўлган вақтлардаги шаклда бўлишини тарғиб қилувчи, барчага шуни сингдиришга ҳаракат қиладиган ва ўз талаблари ва шартларига бўйсунмаганларга ноқонуний талаб қўйиш билан шуғулланадиган ташкилот;

тақиқланган ташкилот – фаолият юритиши Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ва фаолияти қонунлар билан тақиқланган ҳар қандай кўринишдаги ташкилот, тузулма ва ташкилотларнинг филиаллари;

Бугунги ахборот технологиялари асрида барча соҳаларга ахборот технологиялари, компьютерлар кириб боргани каби жинойтчилик оламига ҳам кириб борган. Ҳозирги вақтда жинойтларнинг янги турлари ва жинойтларни содир этишнинг янги усуллари пайдо бўлмоқда. Шу сабабли, ҳам “Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш” жинойтини ҳам ахборот технологиялари ва бутун жаҳон интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этиш усули учраб турмоқда. Шу боисдан, “тақиқланган ташкилот”, “сепаратистик ташкилот”, “фундаменталистик ташкилот” тушунчаларига таъриф ишлаб чиқишда юқоридагиларни инobatга олинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, ҳозирги даврда дунёда ва юртимизда деярли барча соҳалар рақамлаштирилди ва рақамли технологиялар жорий этилди. Барча соҳада инсон омилини камайтиришга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли барча ҳаракатлар реал оламдан виртуал оламга кўчирилмоқда, яъни барча ишлар (ҳужжатлар алмашинуви, буюртмалар, ахборот алмашинуви ва бошқалар) масофадан туриб ижтимоий тармоқлардан ва бутун жаҳон интернет тармоғидан фойдаланган



ҳолда амалга оширилмоқда. Шу боис, қонунчилигимизга **“виртуал оламдаги ташкилот”** ва **виртуал оламдаги тақиқланган ташкилот** тушунчасини киритса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу тушунчага биз қуйдаги муаллифлик таърифимни таклиф қиламиз:

виртуал оламдаги ташкилот - бу бутун жаҳон интернет тармоғида умумий мақсад ёки шахсий мақсадга эришиш учун онгли равишдаги фаолиятнинг мувофиқлаштирилган кишилар гуруҳ ёки умумий тармоғи.

виртуал оламдаги тақиқланган ташкилот – бутун жаҳон интернет тармоғида фаолият юритиш орқали Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳаракатларни амалга оширувчи ва фаолияти қонунлар билан тақиқланган ҳар қандай кўринишдаги ташкилот, тузулма ва ташкилотларнинг филиаллари;

Бугунги кунда давлатнинг барча соҳаларида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда, суд – ҳуқуқ тизимида ҳам бир қанча ислоҳотлар амалга оширилди ва амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан амалётдаги юқоридаги каби баҳс – мунозарали ҳолатларни умумлаштириб, амалёт ходимлари учун қонунчиликни қўллаш масаллари юзасидан юзага келиши мумкин бўлган чигал вазиятларни тартибга солиш, одиллик ва қонунийлик принципини амалда таъминлаш, тергов ва суд идоралари томонидан қонунларни аниқ ва бир хилда қўллаш мақсадида, аниқ бир меъёрий ҳужжат жумладан, Олий суд пленуми каби фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда уни амалётга татбиқ этиш лозим.

Бугунги тез суръатларда ривожланаётган замонда ахборот технологиялари (рақамли технологиялар) ва интернет кириб бормаган соҳа бўлмаса керак. Ушбу ривожланишлардан нопок ниятли кимсалар ўз мақсадларини амалга оширишда фойдаланиб қолмоқда. Яъни, турли ғаразгўй кимсалар жиноятларни содир этишда бугунги кун илм-фан ютуқларидан нотўғри мақсадларда фойдаланиб ўз қабих ниятларини амалга оширмоқда. Хусусан, *“Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш”* жиноятини содир этишда ҳам турли ғаразгўй кучлар бугунги кун ахборот технологиялари ва фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда жиноятни янги усул ва кўринишларда содир этмоқдалар. Мазкур содир этиш усуллари ва шакллари амалётчи ходимлар томонидан ижтимоий тармоқларни ва бутун жаҳон интернет тармоғини мониторинг қилиш йўли билан аниқланмоқда. Мазкур жиноятни ушбу кўринишда содир этганлик учун норма қисми ёки бандида жавобгарлик кўрсатилмаганлиги сабабли, шахс модданинг биринчи қисми билан квалификация қилинган ҳолда жавобгарлик масаласи ҳал этилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки, мазкур норманинг иккинчи қисмига янгича таҳдидларни ва фойдаланилаётган сўнгги киберусулларни инобатга олган ҳолда, норманинг иккинчи қисмига ижтимоий тармоқлардан ва бутун жаҳон интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этганлик учун жавобгарлик билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади.



References:

1. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор” йиғилишида сўзлаган нутқидан, 06.07.2022 йил. (интернет манбаси: <https://azon.uz/content/views/davlatimiz-har-qanday-yovuz-fitnalarga> 12.12.2022 йил ҳолатидагиси).
2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72 – сессиясида нутқидан, 2017 йил 19 сентабр, (интернет манбаси: <https://www.uzavtoyul.uz/cy/post/ozbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyoyev-bmt-bosh-assambleyasining-72sessiyasida-nutq-sozladi.html> 12.12.2022 йил ҳолатидагиси).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 6196 – сонли фармони; (интернет манбаси: <https://lex.uz/docs/5344118> 12.12.2022 йил ҳолатидагиси).
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1992 йил 8 декабрь, (интернет манбаси: <https://lex.uz/docs/20596> 12.12.2022 йил ҳолатидагиси).
5. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги 763 – I – сонли қонуни, 1999 йил 14 июнь, (интернет манбаси: <https://lex.uz/acts/11360> 12.12.2022 йил ҳолатидагиси).
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги 223 – XII – сон қонуни, 1991 йил 15 февраль, (интернет манбаси: <https://lex.uz/acts/111825> 12.12.2022 йил ҳолатидагиси).
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентабр (интернет манбаси: <https://lex.uz/acts/111453> 12.12.2022 йил ҳолатидагиси)
8. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ – 489 – сонли қонуни, 2018 йил 1 декабрь, (интернет манбаси: <https://lex.uz/docs/3841957> 12.12.2022 йил ҳолатидагиси). 3-моддаси
9. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ – 489 – сонли қонуни, 2018 йил 1 декабрь, (интернет манбаси: <https://lex.uz/docs/3841957> 12.12.2022 йил ҳолатидагиси). 14-моддаси;
10. R.Valijonov, O.Qobulov, A.Ergashev “Menejment asoslari” kasb-hunar kollejlari uchun darslik, 45-bet, «SHARQ» NASHRIYOT-MATBAA AKSIYADORLIK kompaniyasi bosh tahririyati TOSHKENT — 2010, (интернет манбаси: <https://staff.tiame.uz/storage/users/14/books/AQC101ATtkVzg4NHRJmD0KujTtcTvwsFkNubqlwe.pdf> 12.12.2022 йил ҳолатидагиси).
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати “Т” ҳарфи, 84-бет, (интернет манбаси: https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20T.pdf 12.12.2022 йил ҳолатидагиси).
12. Федеральный закон № 272-ФЗ 2012 года — статья 3.1 (интернет манбаси: https://ru.wikisource.org/wiki/%D0%A4%D0%B5%D0%B4%D0%B5%D1%80%D0%B0%D0%BB%D1%8C%D0%BD%D1%8B%D0%B9_%D0%B7%D0%B0%D0%BA%D0%BE%D0%BD_%D0%BE%D1%82 28.12.2012 %E2%84%96 272-



%D0%A4%D0%97#%D0%A1%D1%82%D0%B0%D1%82%D1%8C%D1%8F 3.1

12.12.2022 йил ҳолатидагиси).

13. “TERRORIZM, SEPARATIZM VA EKSTREMIZMGA QARSHI KURASHISH TO‘G‘RISIDA”gi Deklaratsiya, 2001 – yil 15 – iyun, Shanxay (интернет манбаси: <https://lex.uz/ru/docs/-2066680> 12.12.2022 йил ҳолатидагиси).